ЗАМОНАВИЙ ВАТАНПАРВАР ИНСОНГА ХОС ФАЗИЛАТЛАР

Қувондиқов Сардорхон Сидиқ ўғли

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доцент в,б

Аннотация. Ушбу мақола бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик ва ватанпарварлик компетенсиясини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичларидан “Узлюксиз маънавий тарбия консепсияси”ни жорий этишда тарбияланганликни баҳолаш индикаторлари сифатида фойдаланилган. Натижада бўлажак педагогларни талабаларда Ватанга садоқат компетенсиясини шакллантиришга тайёргарлигини ташхис этиш имконияти ошган.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган ватнпарварлик туйғусини ривожлантиришнинг компетенсиявий ёндашувга асосланган интерфаол шакл, метод ва воситаларидан “Тарбия фанини ўқитиш технологияси” қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Мазкур таклифлар бўлажак педагогларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш, уларда фаол фуқаролик позитсиясини ривожлантиришга имкон яратган.

Калит сўзлар: Ватанпарварлик онги, ватанпарварлик дунёқараши, маънавий-ахлоқий, фуқаролик-ватанпарварлик, ҳарбий-ватанпарварлик, спорт ва ватанпарварлик, педагогика, бўлажак ўқитувчилар, тарбиявий фаолият, таълим, тарбия, компетенсия, модернизатсия.

Аннотация. Данная статья была использована в качестве показателя оценки воспитанности при введении "концепции непрерывного духовного образования" из критериев и показателей развития гражданско-патриотической компетентности будущих педагогов. В результате возросла возможность диагностики готовности будущих педагогов к формированию у студентов компенсatsii лояльности к Родине.

Разработанные в рамках исследования интерактивные формы, методы и средства, основанные на компетентностном подходе развития чувства патриотизма, были использованы при разработке учебно-методического пособия "педагогическая наука и технология обучения".

Эти предложения позволили подготовить будущих учителей к воспитательной деятельности, развить в них активную гражданскую позицию.

Ключовые слова: Патриотическое сознание, патриотическое мировоззрение, нравственно-нравственный, гражданско-патриотический, военно-патриотический, спортивно-патриотический, педагогика, будущие учителя, воспитательная деятельность, образование, воспитание, компетентность, модернизация.

Annotatsiya. This article was used as an indicator of the assessment of upbringing when introducing the "concept of continuous spiritual education" from the criteria and indicators of the development of civil and Patriotic competence of future teachers. As a result, the ability to diagnose the readiness of future teachers to form students ' loyalty to the Motherland has increased.

The interactive forms, methods and tools developed in the framework of the study, based on the competence-based approach of developing a sense of patriotism, were used in the development of the educational manual "pedagogical science and technology of education".

These proposals made it possible to prepare future teachers for educational activities, to develop an active civil position in them.

Keywords: Patriotic consciousness, Patriotic Outlook, moral, civil-Patriotic, military-Patriotic, sports-Patriotic, pedagogy, future teachers, educational activities, education, upbringing, competence, modernization.

Хорижий тажрибалар таҳлили асосида тадқиқотда умуммаданий компетенциялар асосида талабаларда ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш лозим, деган хулосага келинди.

Замонавий жамият ривожининг муҳим жиҳатларидан бири инсоният ва ҳар бир инсоннинг тақдири билан бевосита алоқадор маданият ҳодисасининг мазмуни ҳамда функцияларини инновацион тарзда тушуниш билан боғлиқдир. Айнан ижтимоийлашув жараёнида умуминсоний қадриятлар, хулқ-атвор меъёрлари ва қоидалари, бой маданий меросни ўзлаштириш орқали таълим олувчиларнинг ўзлигини англашига эришилади. Ўз-ўзини ривожлантиришга қодир таълим олувчи шахсини шакллантириш, уни миллий маданият билан таништириш таълим ва тарбия орқали амалга оширилади.

Педагогик луғат ва энциклопедияларда маданият ва шахс тарбиясининг алоқадорлиги алоҳида қайд этиб ўтилган. В.М.Полонский томонидан яратилган “Таълим ва педагогика бўйича луғат”да маданият тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Маданият – жамият ва кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятини ташкил этиш турлари ва шакллари, инсон фаолиятининг моддий ва маънавий натижалари, дунёқарашда намоён бўладиган салоҳияти ва қобилиятлари, инсоннинг интеллектуал, ахлоқий, эстетик ривожланиши, унинг бошқа кишилар ва табиат билан мулоқоти усуллари ва шаклларининг ривожланиш даражаси” [92, 32-б.].

Педагог олима Ойниса Мусурмонованинг таъкидлашича эса, “Маданият жамият тараққиёти даражасини характерловчи, ижтимоий-тарихий амалиёт жараёнида мужассам бўладиган тизим бўлиб, шахснинг ижтимоий ва маънавий мазмунини ташкил этади. Бундан маданият шахс ва ва унинг фаолияти ўртасидаги ўзаро таъсирга доир қонуниятлар, шу жумладан шахс ва жамиятнинг борлиққа бўлган маданий муносабатларининг пайдо бўлиши, ривожланиши, шахснинг талаби, қизиқиши, хоҳишига мос равишда унинг маданий фаолиятини ташкил қилиш йўллари, маънавий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари тизими, шахснинг маънавий ривожланиши ва маънавий маданиятини шакллантириш қонуниятлари мажмуидан иборат” [79, 48-б.].

Юқоридаги таърифлардан маълум бўладики, “Маданият моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ўзаро муносабатлар, сиёсат, оила, ахлоқ, ҳуқуқ, таълим, тарбия, ижод, илм-фан, хизмат кўрсатиш, турмуш тарзи кабилар билан бирга ривожланади, жамиятнинг тараққиёт даражасини акс эттиради.

Маданият инсон фаолиятининг ҳам маҳсули, ҳам сифат кўрсаткичидир. Шу билан бирга, инсоннинг ўзи ҳам, пировард натижада маданият маҳсулидир. Ҳатто айтиш мумкинки, маданий муҳит қандай бўлса, инсон ҳам шундай тарзда шаклланади” [80, 104-б.].

Академик Д.С.Лихачевнинг фикрича, “маданиятли инсон – бу кўп нарсани тушунадиган, бинобарин бошқаларга интиладиган, уларнинг маънавий ҳаётини “кашф этувчи” турли давр ва халқларнинг санъат асарларини ўзлаштирган шахс. Маданиятли инсоннинг муҳим фарқли жиҳати шундаки, деб таъкидлайди, Д.С.Лихачев, у

тажовузкорликдан, шубҳали ҳаракатлардан, шахсий норасоликлар мажмуидан холи бўлади. Ана шундай инсонни таълим муассасаси шакллантириши зарур [66].

Ана шу тариқа, “маданият” тушунчаси мазмуни тўғридан тўғри шахслилик сифати билан алоқадор бўлиб, XX аср охири – XXI аср бошларида замонавий тарбия ва педагогик жараёнда мазкур категориянинг роли яна-да, ошганлигини кўриш мумкин. Олий таълим муассасасининг муҳим вазифаси таълим-тарбияга доир меъёрий ҳужжатлар, замонавий педагогик тадқиқотлар ва тарбия концепцияларида аниқ белгилаб қўйилганидек, ўсиб келаётган авлодда умуммаданий компетенцияни шакллантиришдан иборатдир.

“Умуммаданий компетенция”га турли-туман таърифлар берилган. Масалан, Г.К.Селевконинг таъкидлашича, умуммаданий компетенция – индивиднинг ижтимоий ва маданий муҳитга йўналтиришга имкон берувчи билим, малака ва ижтимоий тажриба унсурлари йиғиндисидир [103] Л.Л.Супрунова умуммаданий компетенцияни “таълим олувчиларда интеллектуал, маданий, ахлоқий ва жисмоний ўз-ўзини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қобилияти” [110] сифатида талқин қилади. Қўйилган мақсадга эришишдаги қатъийлик, тўпланган тажрибани танқидий мушоҳада қилиш, шунингдек, толерантлик, ижтимоий мослашувга қобилиятлилик, мустақил ва жамоада ишлаш кўникмаси “умуммаданий компетенция”нинг асосий тушунчаларини ташкил этади.

С.Л.Троянская “умуммаданий компетенция” тушунчасини чуқур таҳлил этиш асосида “умуммаданий компетенция маданий муҳитни ўзлаштириш тажрибаси, таълим олганлик даражаси, тарбияланганлик ва ривожланиш, билиш, дунёқарашга оид, ҳаётий, касбий тавсифдаги муаммоларни ҳал этишни баҳолаш мезони сифатида маданий эталонлардан фойдаланишга йўналтирилган шахснинг интегратив қобилияти” [116, 10-12-б.], деган хулосага келади.

С.Л.Троянская таълим олувчида умуммаданий компетенцияни ривожлантириш жараёнини ташкил этиш ва назорат қилиш билан боғлиқликда унинг қуйидаги компонентларини ажратиб кўрсатади: ўқувчиларнинг маданиятни тушуниши ва ўзлаштириши, инсоннинг муаммони тушуниш ва уни ҳал этиш асосида билимларни эгаллаш қобилиятини амалга оширишни кафолатловчи когнитив компонент; кишилар билан маънавий-ахлоқий ўзаро биргаликдаги ҳаракат жараёнида қадриятларни узатиш воситаси сифатида инсоннинг маданият билан мулоқотга киришишини белгилаб берувчи қадриятга йўналтирилганлик компоненти; маданий фаолият, мулоқот кўникмалари ривожланадиган коммуникатив-фаолиятга доир компонент [115, 20-б.].

Жак Делор таълим бўйича халқаро комиссиянинг “Таълим: сирли марварид” деб номланган маърузасида педагогик йўналишнинг тўрт асосий жиҳатини ажратиб кўрсатар экан, компетенция “турли-туман кўплаб вазиятлар билан ва гуруҳий ишлаш имкониятини беради” [39, 21-22-б.], деган фикрни алоҳида таъкидлаб ўтади.

Юқоридаги фикрлар асосида умуммаданий компетенция билишга қизиқиш, маънавий-ахлоқий эътиқод ва тасаввурлар, воқеликни ўзлаштириш ва қайта яратиш бўйича маданий фаолиятга тайёрликни шакллантиришни талаб этувчи умуминсоний қадриятлар билан бевосита алоқадар эканлиги ҳақидаги хулосага келиш мумкин.

Замонавий олий таълимнинг муҳим мақсади ўз мамлакатининг маънавий ва маданий анъаналарини қадрият сифатида қабул қилувчи юксак ахлоқли, компетент, ижодий, ижтимоий-масъулиятли шахсни тарбиялашда акс этади. Замонавий мутахассис

нафақат касбий, балки умумий маданиятнинг муайян даражасини эгаллаган бўлиши лозим: маънавий-ахлоқий, эстетик, экологик, сиёсий, иқтисодий ва ҳ.к.

Таълим шахснинг ўзининг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш, турмуш тарзи танлови, етук инсонни шакллантиришнинг муҳим шарти ва воситаси сифатида намоён бўлади.

Педагогика таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти бўлажак мутахассиснинг умуммаданий ва касбий компетенциялар мажмуини эгаллаши зарурлигини кўзда тутади [93].

Педагогика назариясида умуммаданий компетентлик мустақил билим олиш, ўз-ўзини англаш, мустақил ва маданиятнинг турли соҳаларидаги ҳодисалар ҳақидаги асосланган фикрлар, бошқа маданият вакиллари билан диалогга киришиш учун етарлича таълим олганлик даражаси сифатида талқин қилинади.

Умуммаданий компетентлик – инсоннинг маданий муҳит, жамиятга нисбатан йўналганлик қобилияти. У ўзида 2.1.2-расмда тасвирланган соҳаларни қамраб олади. Мазкур компетентликнинг ижтимоий-амалий аҳамияти инсоннинг шахсий ривожланиши билан боғлиқ.

Умуммаданий компетенциялар ижтимоий ва маданий соҳаларга йўналганлик, шахслараро муносабатларни ўрнатиш, маданий мулоқот, муаммоларни ҳал этишда мезонлар сифатида ахлоқий меъёрларни қўллай олиш кўникмаларини ўз ичига олади.

Умуммаданий компетенциялар мазмунида шахсга ўтмишдаги ва янги яратилган маданият намуналарини ўзлаштириш имконини берувчи фаолият усуллари ўз аксини топади. Уларнинг таркибида турли усуллар, ижтимоий-бошқарувга доир жиҳатлар, ижтимоий ва коммуникатив функцияларни бажариш кўникмалари, ахборот алмашинуви ва ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш шаклларини қамраб олувчи когнитив-ахборий фаолиятни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Адабиётлар

1. Атаджанова Ш. Оилада ўспирин-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. … дисс. – Т., 2001. – 136 б.
2. Балагланов А.Р. Патриотическое воспитание младших школьников средствами изобразительного искусства: Автореф. дис. … канд.пед.наук. – Кострома, 2000. – 27 с.
3. Бейсембаева А.А. Патриотическое воспитание старшеклассников средствами казахского героического эпоса. Канд.пед.наук.....автореф. –Алматы: 2004. – 23 с.
4. Галиахметов И.Р. Патриотическое воспитания школьников и пути его совершенствования. – Казан, 2001. – С.61-62.
5. Горбова М.А. Воспитания патриотизма у старших классников игровыми формами турстко-краеведческой деятельности: Автореф. дис. … канд.пед.наук. – М., 1999. – 24 с.
6. Ильин И.И. Формирование патриотическое отношений у студентов: Автореф. дис. … канд.пед.наук. – Тамбов, 2003. – 24 с.
7. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Тошкент, Ўзбекистон, 1996. – 139 б.

8. Каган М.С. Гражданское общество как культурная форма социальной системы // Социально-гуманитарные знания. – М., 2000. - №6. – С.49-50.

9. Калдыбекова А.С. Интернациональное воспитание учащихся в старщих классов казахской школе в процессе изучения родной литературы (На меатериале казахскых школ Республики Узбекистан): Дисс. … канд.пед.наук. – Т., 1993. – 136 с.

10. Караковский В.А. Стать человеком. Общечеловеческие ценности – основа целостного учебно-воспитательного процесса. – М., 1993. – 80 с.

11. Каримбеков С. Военно-патриотическое воспитание учащихся старших классов в процессе преподавания литератураы (на материале русской литературы): Дисс.канд.пе.наук. – Т., 1991. – 137 с.

12. Кирьякова А.В. Теория ориентации личности в мире ценностей. – Оренбург: Изд-во «Южный Урал», 1996. – 188 с.

13. Клименко И.М. Формирование патриотизма в процессе обучения истории и внеучебной работы: Автореф. дис. … канд.пед.наук. – Екатеринбург, 1999. – 22 с.

14. Кривых С.В. Педагогические основы патриотического воспитания младших шакольников. – Новокузнецк: Изд. ИПК, 2002. – С.8; С.16.

15. Левина Н.А. Типологические особенности разивития чувств патриотизма у младших школьников: Автореф. дис. …канд.псих.наук. – Тамбов, 2004. – 22 с.

16. Матушкин С.Е, Ипполитова Н.В. Сущность и особенности патриотического воспитания в современных условиях. – Курган, 2001. - №1(7). – С.6.

17. Новые ценности образования: Тезаурус для учителей и школьных психологов. / Под.ред. Н.Б.Крылова. – М., 1995. – 20 с.

18. Педагогические технологии: понятия, принципы и методы внедрения: Сборник материалов из Интернета. / Сост. С.Махкамова. – Ташкент, 2003. – с.65.

19. Педагогический энциклопедический словарь / Гл.ред. Б.М. Бм-Бад. – М.: Большая Российская энциклопедия, 2002. – 528 с.

20. Рожков М.И. Организация воспитательного процесса в школе. – М.: Гуманит. Изд.центр ВЛАДОС, 2001. – 256 с.

21. Рындак В.Г. Методологические основы образования. – Оренбург, ОГАУ, 2000. – 192 с.

22. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. – М.: Народное образование, 1998. – 256 с.

23. Степанов Е.Н. Педагогу о современных подходах и концепциях воспитания. – М.: ТЦ Сфера, 2002. – 160 с.